

Қозоғистонда уч ёшдан ўн ёшгача бўлган болалар ўртасида Қуръон мусобақаси ўтказилди



15:05 / 13.11.2019 1948

Яқинда Қозоғистон Республикасининг Қизилўрда вилоятидаги хотин-қизлар бўлими, Қуръон қироати бўйича танлов ўтказди. Бу ҳақда iqna манбаси хабар беради.

Ушбу мусобақада уч ёшдан ўн ёшгача бўлган болалар иштирок этди

Қуръони карим мусобақасининг тантанали очилиш маросими «Мусо Али» масжидида бўлиб ўтди ва масжид имоми Қуръони каримнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нутқ қилди.

Мусобақада Қизилўрда вилоятдан 40 нафардан ортиқ болалар иштирок этишди.

Мусобақа натижаларига кўра, бош соврин олти ёшли Эрмекбай Абунсарга насиб этди.

Шунингдек, 9 ёшли Жалгас қизи Диана ва Дусин Алиева Аружан биргаликда мукофот олишди, олти ёшли Аблай Ибраҳим ва 7 ёшли Талибай Фариза иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Учинчи ўринни 9 ёшли Баймирзаев Дулат ва Аболхайр Шади қўлга киритдилар.

Ғолиблар пул мукофоти ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Islom.uz портали таҳририяти